

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

274 **Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1305-2*

(2011 йил 8 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 21-сон, 204-модда) ижросини таъминлаш, автовокзаллар ва автостанциялар ишини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2003 йил 6 декабрдаги 158-сон буйруғи (рўйхат рақами 1305, 2004 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 4-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Йўловчилар автовокзаллари, автостанциялари тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

А. АБДУВАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 13 май,
81-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.